2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

УЎҚУВИ БОРГА ИШ КЎП...

ФАҚАТ ИШТИЁҚ ВА САЎЙ-ҲАРАКАТ КЕРАК

Чимбой томонга автобусда кетаётганда. Олдинги ўринда қандаки икки нуруний чолнинг гурунги кулогимизга чалинади:

— Хозирги ёшларга, келинларга хайронман, — гап бошлади бири. — Иш йўқ, бола-чакамни қандай боқаман, деб нолиди...

— Сиз билан бизнинг ёшлигимизни, кечирган ҳаётимизни кўрганда эди улар...

Эҳ-ҳе, бир тилшам нонга зор кунлар...

— Тўғри сўйлайсан, — тасдиқлади уни иккинчиси, — ери бор, томорқаси бор... деҳқончилик қилсин, мол боқсин. Булар иш эмасми? Илгаригидек, хозир ўтин-чўп термайди, ариқдан сув ташимайди... Уйда газ ёниб турса, ховлисида водопровод бўлса, нимага нолиди? Шукур қилсин. Юрт мустақил, эл мустақил... ҳукумат одамлар турму-

шни яхшилашга, ишсизларга иш беришга эътибор қилаётти-ку...

Гурунг тафсилотини Чимбой туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Парахат Абатовга айтиб берди.

— Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, туман аҳолиси 99,1 минг нафар кишини ташкил этди, — дейди у. — Шундан 53,7 минг нафари (54,2 фоизи) меҳнат ресурсларига тўғри келади.

Айни пайтда банд аҳоли сони эса 34 минг нафар. Ишсизлик даражаси 7,9 фоиз. Йилнинг биринчи чорагида бизга 303 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. Уларнинг рўйхатга олинганларидан 274 нафари ишга жойлаштирилиб, 80 нафарига ишсизлик мақоми берилди.

Хотин-қизлар учун 149 та муқим иш ўринлари вужудга келтирилди. Бу асосан кичик бизнес, уй меҳнати ва ижтимоий инфратузилмалар тизимларига тўғри келди.

Ишсизларни аниқлаш ва уларни ўқуви ҳамда ўқувига қараб ишга жойлаштириш бўйича фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳимиз аъзолари 750 та хонадонда бўлиб, 543 нафар фуқародан меҳнат дафтраси очиб ва юритиш бўйича аризалар олди. Уларга шу йилнинг биринчи чораги якунига кўра, 21200 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Жумладан, 8400 минг сўм иш билан таъминлашга қўйилган давлат жағмармаси, 12800 минг сўм тижорат банклари кредитлари ҳисобидан ажратилди. Кам таъминланган оилаларга ҳоимилар ҳисобидан 94 бош қорамол

бепул берилди.

Туманда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилдиқ. Унга 89 нафар фуқаро жалб этилди. 22 та корхона ва ташкилотлардаги 86 та бўш иш ўринларига 80 нафар фуқаро ўз ихтисосликларига кўра — муҳандис, ҳисобчи, ҳамшира, чет тиллар ўқитувчиси, тикувчи, гидротехник, экскаваторчи, дурадгор, тракторчи, электр пайвандчи, автокранчи, кутубхоначи... бўлиб ишга жойлашди.

Меҳнат бозорининг тенг шартларида рақобатлаша олмайдиган тоифадаги иш изловчилар учун эса туман ҳокими қарори билан тегишли корхона ва ташкилотлар ҳисобидан «Ижтимоий ҳимоя йили»да 189 та иш ўринлари квоталанган тарзда тақлиф қилинди. Натيجада, 36 нафар киши йилнинг бирин-

чи чорагида меҳнат бўлими йўланмаси билан ишли бўлиб олди. Уларнинг 9 нафари кўп болали оналар, 27 нафари ўқув юртларини тамомлаган ёшлар бўлишди. Хуллас, ўқуви-ўқуви бор кишиларга иш ҳамisha ва ҳар ерда бисёр...

Ҳа, жорий йилда Чимбой тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари туман ҳокимлиги раҳбарлигида бандлик дастури ижроси йўлида ибратли ишлар қилишапти. Йил охиригача ихтисодиётнинг барча манбалари ҳисобидан яна 335 та, муқobil тармоқларда эса 239 та янги иш ўринлари тақлиф этилиши кўзда тутилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



АФГОН ҚОЧОҚЛАРИ

10 КУН ИЧИДА ДУШАНБЕНИ ТАРК ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ

муаммоларни юзага келтиради. Шунинг учун Афғонистон Ислам Республикаси элчихонаси Тожикистон Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этиб, Душанбе маъмурияти курсатмаси билан боғлиқ масалаларга оидлик кiritилишини сўради.

Тожикистон ташқи сиёсат маҳкамаси эса афғон қочоқларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги, уларни Афғонистон ҳудудига чиқариб юбориш нияти йўқлигини ўқирди.

Маълумотларга қараганда, хозирги кунда Тожикистон Республикасида 2 мингта яқин афғон қочқини истиқомат қилмоқда.

АРТИЛЛЕРИЯ ОТИШМАЛАРИ

УЧУН НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Шимолӣ Ироқдаги аҳоли пунктлари Туркия армияси томонидан артиллериядан ўққа тутилгани боис Ироқ маъмурияти шамба куни Туркия маъмуриятига норозилик билдирди.

«CNN-Turk» телекомпаниясининг хабар беришича, Туркиянинг Бағдоддаги элчиси Ироқ Ташқи ишлар вазирлигига қақирдики ва отишмалар тезкорлик билан тўхтатилишини талаб қилди.

Курдларнинг «Figt» ахборот агентлиги хабарига қараганда, шаубага ўтар кечаси Шимолӣ Ироқдаги бир қатор аҳоли пунктлари Туркия артиллерияси томонидан ўққа тутилган. Нати-

жада учта аҳоли пунктида ёнғин юзага келган.

Туркия ҳарбийлари маълумотларига кўра, мамлакатнинг Шимолӣ Ироқ билан chegarados тоғли худудларида Курдистон ишчи партияси (КИП)нинг 6 мингта яқин жангариси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг Туркия ҳудудига суқулиб кириши тез-тез содир бўлиб турибди.

Маълумки, Курдистон ишчи партияси Туркиянинг жануби-шарқда мустақил Курдистонни ташкил этиш учун 1984 йилдан бери қуролини кураш олиб бормоқда. Туркия билан КИП ўртасидаги ўшбу можаоралар боис 40 мингта яқин киши қурбон бўлган.

СОБИК ПРЕЗИДЕНТ

УЙ ҚАМОФИДА

Перу президенти Альберто Фухимори Чили пойтахти Сантьягода уй қамоғига олинди, дея хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги.

Перунинг давлат айбловчиси Чили Олий судига мурожаат этиб, Фухимори ўз ватанига қайтарилишини сўради.

Фухимори Перунинг ҳозирги маъмурияти томонидан коррупция ва одамларни оммавий қирғин қилганига айбланмоқда. У 1990 йилдан 2000 йилгача президент бўлган. 2000 йил коррупция можаораси юзага калқиб чиққач, Японияга қочиб кетган ва ўша ёқдан ўз истеъфоси ҳақида факс орқали хабар жўнатган.

Перунинг янги раҳбарияти Япония маъмуриятига бир неча бор мурожаат этиб, уни Япониядан чиқариб юборишларини сўраган. Япония маъмурияти эса Фухиморини Перу раҳбарлари қўлига топширишни хоҳламади, негаки, Фухимори Перу фуқароси бўлиши билан бирга Япония фуқароси ҳамдир.

2005 йилнинг охирида Фухимори ўз ватанига экинрок бўлиш учун, Чилига ўқди, бироқ у ерда қамоққа олинди. 2006 йил майдонига унга Чилида эркин юриш ҳуқуқи берилди, аммо мамлакатни тарқ этиш таққиланди.

Уни Перу иктиёрига топшириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

ИСПАНИЯ МЕДУЗАГА ҚАРШИ

КУРАШ БОШЛАДИ

Испания Атроф-муҳит вазирлиги мамлакат соҳилларида медузаларга қарши кураш бўйича махсус режа ишлаб чиқди. Ушбу «Медуза» режасига кўра, мутахассислардан иборат махсус комиссия тузилади. У мамлакат соҳилларида медузалар пайдо бўлишининг сабабларини ўрганади ва унга самарали қарши кураш усулларини ишлаб чиқади.

Шу билан бирга, — дейилади «Новости» ахборотида, — соҳиллардаги чўмилиш ҳавзаларида сайёҳларни медузалар хавфидан огоҳлантирувчи хизмат ташкил этилади.

АЛАБАМА СЕНАТИДА

СЕНАТОРЛАР МУШТЛАШИШДИ

Маълумки, дунё мамлакатлари парламентларининг депутатлари муштлашуви бугунги кунда янгилик эмас. Хиссиётга берилиб, жаҳлини тия олмаганлар, ҳатто халқ ишончини қозониб, парламентга сайланган сенаторлар орасида ҳам учраб туради.

Яқинда АҚШнинг Алабама штати сенатида сенаторлар муштлашуви юз берди. Сийёсий музокаралар авжга минган пайтда республикачи Чарльз Бишоп ўзини босолмай демократ Лоуэлл Барроннинг чаккасига мушт туширди.

«AP» ахборот агентлиги хабар беришича, сенатор-демократ Лоуэлл Баррон муштмўзурни судга бериш-бермаслиги ҳозирча номаълум, аммо бундай муштлашув штат сенати тарихида биринчи бор қайд этилгани аниқ.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ

ОРҚАЛИ СУРАТГА ОЛИШ ТАҚИҚЛАНДИ




Бугунги кунда қўл телефонларидан фойдаланиш, айниқса, суратга олиш ва видеотасвирга тушириш шунчаки кетдики, бу охир-оқибат Австралия маъмуриятини чора қўришга мажбур этди. Мамлакат парламенти яқинда мобиль телефонлари орқали руксатсиз суратга олиш ва видеотасвирга туширишни таққилловчи қонун қабул қилди.

Ушбу норматив ҳужжат муаллифларидан бири, сенатор Роберт Халсинг айтишича, кейинги пайтларда Австралияда мобиль телефонлари орқали аширинча суратга олиш ҳоллари эпидемия сингари уриб кетган.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, эндиликда руксатсиз суратга олиш ёки видеотасвирга тушириш 10 минг Австралия доллари миқдоридagi жарима билан «сйиланади» ёки 6 ойлик қамоқ жазосига ҳқим қилинади.

МИСР МЕҲМОНХОНАЛАРИДАН БИРИ



Миср меҳмонхоналаридан бири

Ҳайдовчилар диққатига!

ИШОНЧНОМАНИ

ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРДИНГИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 мартдаги қарори билан автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган ишончномалар ва шартномаларни 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариал идораларда гербли (махсус) бланкаларда тасдиқлаш, амалда бўлган ишончномаларни эса қолган муддатига 2007 йил 1 январгача қайта расмийлаштириш назарда тутилган эди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар тарқатилганига қарама-қарсиз баъзи бир фуқароларимиз халигача нотариал идораларга автоматотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномаларни тақдим этмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги қарори билан 2006 йил 1 июлгача нотариал тартибда автоматотранспорт воситаларидан фойдала-

ниш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқи билан тасдиқланган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қолган муддатига қайта расмийлаштириш 2007 йил 1 июлгача амалга оширилиши белгиланди. Бунинг учун ишонч билдирувчи ёки ишончли вакил томонидан паспорт билан олдин расмийлаштирган нотариал идорага мурожаат қилиш керак бўлади. Шунинг алоҳида таъкидламоқчимизки, қайта расмийлаштирилганлик учун давлат божи тўланмайди, энг кам ойлик иш ҳақининг 10% миқдорига герб йиғими тўланади, холос.

Автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар қайта расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ДИҚХ хизмати органларида рўйхатга олиш учун тақдим этилиш шарт.

Ушбу қарорда шу йилнинг 1

июлгача қадар гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилмаган ишончномалар бўйича автоматотранспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Акс ҳолда, ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатилган ҳақда маъмурий жавобгарликка тортилади.

2006 йилнинг 1 июлига қадар нотариал тартибда тасдиқланган ишончномаларнинг ҳақиқий бўлиши учун ҳайдовчилар уларга берилган имтиёздан фойдаланиб, жорий йилнинг 1 июлигача уни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришлари лозим.

Искандар РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Нотариат, ФХДБ ва
адвокатура бошқармаси
Бош маслаҳатчиси.

«КУМУШ ТОЛА»

ХИРМОНИ ТЎЛДИ!

Ўтган кун қорақалпоғистонлик «кумуш тола» ижодкорлари ҳам давлатга пилла сотиш шартномавий режасини ошириб адо этидилар. 742,7 тонна юқори сифатли пилла топширилди. Бу — хирмонга ҳар қутти илақ уруғидан ўртача 50,1 килограмдан ҳосил тўқилди, дегани.

Жорий йилда республикада пиллакорларни рағбатлантириш учун ҳар қутти илақ уруғи парварishi учун олдиндан 23 минг сўмдан нақд пул ва барча қулай шароитлар яратиб

берилди. Тўқилган «кумуш тола» ижодкорлари ҳам хирмонига Беруний тумани 144 тонна, Эликальва — 163, Амударё — 225,3, Тўртқул — 163, Ҳўжайли — 36,5 тонна сара пилла ҳосили билан ҳисса қўшилди. Кегайли, Чимбой, Шуманай, Қанлиқўл туманлари шартномавий режаларини ҳам ошириб адо этидилар.

Тайёрлов пунктларига пилла топшириш давом этмоқда.
(Ўз мухбиримиз)

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

КАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ, ҲУЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МУЛК ҲУҚУҚИ БЕРИЛМАГАН ҚУРИЛИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳузур туманида 50 ўринга мўлжалланган туғуруқхона биноси қурилиши.

Қурилиш муддати — 2007 йил 1 декабрь. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 747.897,658 сўм.

Буюртмачи — Ҳузур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидagi мулк ҳуқуқи берилмаган қурилиш унитар корхонаси.

Манзил — Қашқадарэ вилояти, Ҳузур тумани, **Қурилиш ишларини молиялаштириш** — Ҳузур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидagi мулк ҳуқуқи берилмаган қурилиш унитар корхонаси маблағлари ҳисобидан (Шўртан ГKM ҳомийлигида) амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўлидаги шартлар:

- ☑ етарли касбий ва техникавий малакага;
- ☑ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги;
- ☑ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- ☑ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- ☑ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63.
Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Бир тўламан тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилган сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Тажриба

БОЗОР ОБОДЛИГИ

СОТУВЧИ-Ю ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ТАШҚАРИ, СОТУВЧИНИНГ САВОДИ ВА МУОМАЛАСИ — МАДАНИЯТИГА ҲАМ БОҒЛИК

Юртбошимиз Бухоро вилоятида бўлганларида бозор одамларининг ҳолатини чиқарадиган жой эканлиги, шунинг учун улар обод, ҳаммаёғи озода, сотувчиси эса ҳалол манзил бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Зеро, бозор қиёфасига қараб эл-юрт дастурхони, ободлиги, кайфияти ҳамда маданиятига баҳо бериш азиздан мавжуд. Бугун вилоятда катта-кичик 35 та бозор ишлаб турибди. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тадбиркору харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш маданиятини юқори поғонага кўтариш вилоят ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида бўлмоқда. Бу бордада 2007 йил учун алоҳида дастур ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга мувофиқ, жорий йилнинг дастлабки чорагида Бухоро шаҳридаги «Самоний» ҳиссадорлик жамияти, «Дилқушо» масъулияти чекланган жамиятида катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиди. Вобқент, Қорақўл, Галаосиё деҳқон бозорлари қайта қуриляпти. Ёқидувондаги бозор янги жойга кўчирилди.

— Бизнинг ҳудудда 400 дан зиёд тадбиркор фаолият юритади, — дейди «Дилқушо» деҳқон бозори МЧЖ директори, ХДП фаоли Собир Едгоров. — Ишмизнинг самараси фақат сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш билан ўлчанмайди. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Агар мазкур мезон бузилса, турли илч низоли вазиятлар, қўнғилхирликлар юзага

келиши табиий. Бунга йўл қўймаслигининг иложи борми? Бу саволга биз аллақачон жавоб топганмиз — бозордаги барча тадбиркорлар ўқиси, савдо маданияти, дўконлар дизайни каби масалалардан сабоқ олиши керак.

— Мазкур ташаббусни энг аввало биз қўллаб-қувватлагандик, — дейди ХДП шаҳар кенгаши раиси Робия Козимова. — Шаҳар ҳокимлиги ўқувни ташкил этишга қўмақлашиш мақсадида савдо бўлими, вилоят савдо-саноат палатаси, давлат солиқ инспекцияси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, санитария-эпидемиология назорати маркази, ветеринария хизмати, «Маҳалла» хайрия жамағатлари вакилларидан иборат гуруҳ таркибини тасдиқлади. Улар бозорда фаолият кўрсатаётган тадбиркордан тортиб, оддий сотувчи билан ҳам дилдан суҳбатлашди. Шундан сўнг шаҳардаги «Бизнес академия» ўқув маркази томонидан 100 соатлик ўқув дастури и ассосида барча тадбиркорлар ўқитилди.

Хўш, ўқувлар қандай самара берди?

Дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, хусусий тадбиркорлик субъектларининг назарий билимлари, ўз соҳаларига доир амалий кўникмалари анча тақомилга етди. Ўқув маркази сертификатига эга бўлган тадбиркорлар дўконида бўлсангиз, уларнинг харидорга нисбатан хушталқулифи, дўконининг озодлиги-ю, дид билан безатилиши, хуллас, ҳамма-ҳаммасидан дилингиз равшан тортади.

Болалар дунёси

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА САЁХАТ

ЎзХДП МИРОБОД ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЛАЖОНЛАР УЧУН ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОФИГА САЁХАТ УЮШТИРИЛДИ

— ...Бу айқуполонми? — сўради қизиқувчан бола тарбиячидан. — Худди шундай, — жавоб берди тарбиячи. — Мен бу ҳайвоннинг суратини китобда кўрувдим. Тирингани энди кўришим. Унчалик кўрқинчли эмас экан-а? ...Саёхатга келган Собир Раҳимов, Юнусобод туманларидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган юздан ортиқ болалар боғни ана шундай қизиқ ва ҳайрат билан томоша қилдилар.

— Шоишломов Ислоҳ. — Сенга нималар ёқди? — Ҳаммаси. Қадимда одамлар фақат шундай туяларни миниб юришган экан. Шу ростми? — Рост... — Во-о! Қара. Ростдан ҳам чиройли бўлар экан! — Жим бўлинглар, ҳозир кетиб қолади. — Суратда ҳам бунақа эмасди... Улар товуснинг катаги атрофини ўраб олишган. Жонивор патларини ёйиб, «санъат асарини» намойиш этаётганди. — Товусни аввал ҳам кўрган-мидинг? — сўрайман Зулайхо исмли қизчадан. — Лекин мана бунақасини кўрмагандим, — дейди у донадона қилиб. — Буни қаранг,

қўларини қамаштиради деяпти. Қайтганимиздан сўнг албатта бунинг суратини чи- заман. — Яна нималар ёқди? — Ҳаммаси десам ҳам бўлади. Лекин буни ёмон кўраман. У ҳақида эртақларда ўқиганман, эшитганман. Мультифильмларда кўрганман. Бу эр худди эртақлардагидек экан... Кичинтойлар турфа хил ҳайвонлар, қўшлар, балиқларни мириқиб томоша қилишди. Тарбиячилар эса уларга жониворларнинг фазилатлари, феъли, инсонга дўстлиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида гапириб беришди.

Бехзод ШУКУРОВ, Муъассар ЙЎЛДОШЕВА

Биласизми?

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

КИМГА ФОЙДА, КИМГА?..

Никоҳ шартномаси деган иборанинг урфа кирганига кўп бўлди. Лекин бу янгича муносабатга қўйиш ҳам осон кечмапти. Нега, — деган ҳақли савол тугилади. Чунки авваллари бу қоида ҳақида тасаввуримиз кам бўлган ёхуд ўзбекчилик деган истиҳолога боргани ҳам сир эмас. Энди-чи? Энди билсак, ҳаётнинг ўзи бу муҳим ҳужжатга эҳтиёж катталигини кўрсатиб қўйди. Ҳўш, бу шартноманинг мазмун-моҳияти нима?



Никоҳ шартномаси фақатгина никоҳга қиришаётганлар ёки никоҳда бўлган эр-хотин ўртасида тугилади. Шартнома предмети эр-хотин ўртасидаги мулкчи муносабатлар ташкил қилади. Унинг предмети никоҳга, никоҳ давомида ортирилган ва келажақда ортирилиши эҳтимоли бўлган мулклар киритилиши мумкин.

Агар икки ўртада шартнома тугилмаган бўлса, никоҳга қириши расмий равишда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ортирилган мол-мулк эр-хотиннинг умумий мулк ҳисобланади. Ҳўш, бу шартноманинг мазмун-моҳияти нима?

Никоҳ шартномаси фақатгина никоҳга қиришаётганлар ёки никоҳда бўлган эр-хотин ўртасида тугилади. Шартнома предмети эр-хотин ўртасидаги мулкчи муносабатлар ташкил қилади. Унинг предмети никоҳга, никоҳ давомида ортирилган ва келажақда ортирилиши эҳтимоли бўлган мулклар киритилиши мумкин.

Агар икки ўртада шартнома тугилмаган бўлса, никоҳга қириши расмий равишда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ортирилган мол-мулк эр-хотиннинг умумий мулк ҳисобланади. Ҳўш, бу шартноманинг мазмун-моҳияти нима?

Никоҳ шартномаси фақатгина никоҳга қиришаётганлар ёки никоҳда бўлган эр-хотин ўртасида тугилади. Шартнома предмети эр-хотин ўртасидаги мулкчи муносабатлар ташкил қилади. Унинг предмети никоҳга, никоҳ давомида ортирилган ва келажақда ортирилиши эҳтимоли бўлган мулклар киритилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси фақатгина никоҳга қиришаётганлар ёки никоҳда бўлган эр-хотин ўртасида тугилади. Шартнома предмети эр-хотин ўртасидаги мулкчи муносабатлар ташкил қилади. Унинг предмети никоҳга, никоҳ давомида ортирилган ва келажақда ортирилиши эҳтимоли бўлган мулклар киритилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси фақатгина никоҳга қиришаётганлар ёки никоҳда бўлган эр-хотин ўртасида тугилади. Шартнома предмети эр-хотин ўртасидаги мулкчи муносабатлар ташкил қилади. Унинг предмети никоҳга, никоҳ давомида ортирилган ва келажақда ортирилиши эҳтимоли бўлган мулклар киритилиши мумкин.

Advertisement for Uzbekistan Airways featuring flight routes to Milan and Sochi, contact information, and a logo.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали олдидан

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд. Регистон майдони. У яна қалби кўшиққа тўлган, дил торларини чертадиган мумтоз наволарни, мусиқий асарларни ижро этишга қодир бўлган иқтидорларни ўзига қорламоқда. Мағрибу машриқдан санъатга ошно кўнгиллар рўйи замин сайқали сафарига ҳозирланмоқда.

ши мумкин: қарийб бир неча ўн йил давомида халқимизнинг бебаҳо мақомлари, дилторлар суворалари, лирик тароналари ва шўх яллаларининг моҳир ижрочиси сифатида танилган ҳофиз ҳақида бугун сўз очишдан муддао нима? Юқорида таъкидлаганимдай, бу йил «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали олтинчи бор ўтказилади. Унга дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларидан иштирокчи ва меҳмонлар ташриф буюради. Шунингдек, бу галги анжуманимиз Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи билан бирга нишонланади. Ана шундай катта байрам, улкан тантанادا қатнашиш меҳмонларни ҳушуд қилиш учун ҳозир Бекназар ака билан биргалда тайёрлик қўраямиз.



МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР СЕҲРИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали она юртимиз, барҳаёт санъатимиз довругини оламга янада кенг ёйишда жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ана шундай нуфузли анжуманда мен ҳам иштирок этганимдан, совриндор бўлганимдан чексиз фахрланаман. Бунда устозим, Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродовнинг ҳиссаси катта бўлди. Саҳнага кўтарилар эканман, Бекназар ақанинг хонанда халқ олдида чиққанда ҳар сафар қайта имтиҳон топшириши хусусидаги ўғитлари ҳаёлимдан ўтарди. Санъаткор саҳнада ўзини қандай тугити керак, айтилаётган тарона муҳлис-ларга етиб бориши ва тингловчини зериктириб қўймаслиги учун нималар қилиш лозим? Ушбу саволларнинг жавобини ҳам, мумтоз қўшиқларни асл ҳолича қўйлаш усулларини ҳам шу кишининг сабоқлари асосида ўргандим.

музыка санъатини, мумтоз қўшиқларини устозлардан ўрганиб, кейинги авлодга етказиш бизнинг вазифамиз. Б.Дўстмуродов ҳам шундай қилаяпти. У меҳрибон устози, халқ ҳофизи, танқиди бастакор, зукко созанда Орифон Хотамовдан санъат сирларини ўрганган. У кишининг этак-тини тугити кам бўлмаганини қайта-қайта айтади. Қўшиқ — жон озиги деймиз. Бу таърифнинг ҳаётда нечоғли ўз аксини топиши биринчи галда унинг ижрочисига боғлиқ. Агарда хонанданинг ҳар бир қишии шу таърифга мос келмаса бу қўшиқ ҳам, унинг ижрочиси ҳам саҳнада узоқ қолмайди. Санъатга ошно оилада тарбияланиб, Санъат институтида таълим олиб, ҳалол меҳнат

қилиб келаётган устозим Бекназар Дўстмуродов эса чорак асрдан бери саҳнада. У мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентининг Фармонида кўра, «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган юксак унвон билан тақдирланди. У чинакамга халқ ҳофизи. Халқимизнинг қадим миллий қўшиқларимизни ўзбекча қўйлаб, ёшларга ибрат бўлиб келаётган ҳофиз. Самарқандда ўтадиган қўшалоқ байрамда у билан биргалда кўплаб соғирдлари ҳам иштирок этади.

Абдунаби ИБРОҲИМОВ, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали совриндори

СПОРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётганда, айниқса, чечка ва олимпиячиларда барпо этилаётган спорт иншоотлари ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб воғга етишишда муҳим ўрин тутди. «Умид никоҳлари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг ташкил этилиши спортнинг янада ривожланишига хизмат қилаётди.

Фаргона Олимпия захиралари спорт коллежида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий талаблар асосида барпо этилган бу муҳташам коллеж бугун том маънода бўлувчи чемпионлар масканига айланган. — Бу ерда ўқувчилар 19 спорт тури бўйича шугулланади, — дейди коллеж директори Илхомжон Турсуналиев. — Бунинг учун 90 нафардан ортиқ тажрибали ва малакали спорт мурраббийларини жалб этганмиз. Айни кунларда спорт

масканида бир ярим минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмақда. Утган йилнинг ўзида коллежнинг талабалари нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, олтишга яқин олтин медални қўлга киритди. Бу йил ҳам медалларни кўпайтиришга астойдил интилаймиз. Нуриддин Янгйбоев 3-курс талабаси. У байдарка ва канозда эшак эшиш билан шугулланади. Мамлакат миқёсидаги қатор мусобақаларда фаол қатнашган Нуриддин Ўзбекистон



Интер-спорт

РОБЕРТО КАРЛОС «РЕАЛ» ДАН КЕТАДИ

Таниқли футбол юлдузи, Бразилия терма жамоаси собиқ ҳимоячиси Роберто Карлос охириги ўн бир йил мобайнида Мадриднинг «Реал» футбол клуби таркибиде тўп сурганидиган футбол ишқибозларининг хабари бор, албатта. Кўни кеча моҳир футболчининг «Фенербахче» жамоаси билан шартнома имзолади. Карлоснинг «Реал» клуби билан қилишуви шу охириги охирида ўз кўчининг ёзилади.

ОЛИМПИЯ ҲАЙВОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ

«Гиннес рекордлари китоби»га киритилган россиялик Виктор Язков ўзининг янги «Шамол қизи» яхтасида ер юзи бўйлаб саёхатга чиқиб, 2014 йили ўтказиладиган олимпия ўйинларига даъвогар бўлиб турган Сочи шаҳрини қўлаб, қўйғанининг пишиқлигини кўздан кечирди. — Менинг елқани кемам Лазеревск туманидаги кемаасозлик мажмуасида яратилди, — дейди Виктор Язков. — Бундай яхтани бунёд этиш гоёси бир йил олдин пайдо бўлганда ва у мен уйлагандек кўриниш олди. Хусусан, унинг алоҳида усқуналари бир киши томонидан бошқариш имконини беради. Гап шундаки, кема сузиб бораётиб, кутилмаганда бирор қаттиқ нарсага урилиб кетгудек бўлса, унинг бошқарув тизимини синиш ўрнига сакраб кетади ва яна сузишни давом эттираверади. Ҳар қалай бу пойга кемаси эмас.

Эслайтиб ўтамиз, Роберто Карлос мадридлик сафига 1996 йил Италиянинг «Интер» жамоасидан келиб қўшилган эди. У шу ўтган даврда «Реал» футбол клуби таркибиде Испания ва Европанинг энг йирик мусобақаларида қатнашишга муваффақ бўлди. Бразилия терма жамоасининг 125 та учрашувида майдонга тушиб, 2002 йилги жаҳон чемпионати, Америка кубоги (икки мартаба) ҳамда Конфедерациялар кубоги баҳсларида голибликни қўлга киритган.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарь вилояти кенгаши Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП вилоят кенгаши аъзоси Илҳом Ашурович АСАДОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

A vertical sidebar containing various advertisements and notices, including 'BOSH MUHARRIR: SAFAR OSTONOV', 'TAHRIR HAY'ATI', and 'MANZILIMIZ'.